

“ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!”

МАҲАЛЛАЛАРДА
“НУРОНИЙЛАР ВА ОТА-
ОНАЛАР КЕНГАШИ”
ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ФАОЛ
НУРОНИЙЛАРГА КАМБАҒАЛ
ОИЛАЛАР БИРИКТИРИЛАДИ.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
20 АВГУСТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№67
(2291)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

ОБОДЛИК

“ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ”



Тўн тантаналар ўтказиладиган манзиллар қиёфасини бир кўз олдингизга келтиринг. Ҳаммаёқ саришта, ҳаммаёқ озода, ҳаммаёқ саранжом... Бу — инсоннинг тутуми. Қадимий таомил. Аслида эса буним одам боласи табиатнинг йўриғидан ўрганган бўлса, ажаб эмас.

Азлдан ҳалқимизда кимдир уй қурадиган бўлса, ёки таъмирлаш ишларини бошла-са, қариндош ва қўшнилари қараб туришмаган. Эраклар усталарга ёрдамга чиққан, аёллар таомлар билан уларни сийлашган. Бу бирлашиш, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдамнинг ажойиб намунаси. Бундай қадриятлар бугун ҳам маҳаллаларда бардавом. Хашар баъзи бировлар ҳаёл қилганидек, одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш эмас, ота-бобола-

римиздан ўтиб келаётган эзгу анъаналарни давом эттириш, озодалик, тозалик ва поклик бобида аجدодлар тутган ва эътироф этган тўғри йўлдан бориш демакдир. Қадриятда қадримиз бўлсин, дейди ота-боболаримиз. Мана, ўша қадриятларимиз қадр топадиган дамларга санокли кунлар қолди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан, **Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами муносабати билан 22-23 август кунлари юртимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.**



Этибор берган бўлсангиз, ҳашарга алоҳида ном берилди — “Обод ва файзли маҳалла — юрт кўрки”. Демак, кимки Ватанимиз, маҳалласи ободлигига муносиб ҳисса қўшишни истаса, марҳамат, умумхалқ ишига дохил бўлсин!

Давоми 2-саҳифада.

СОЛИҚ ЙИҒИМИ ЯХШИ 100 ТА МАҲАЛЛА САРАЛАНАДИ


“Маҳалла бюджети” тизими асосида мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағнинг 10 фоизи маҳаллаларнинг ўзида қолдириляётганидан аҳоли манфаатдор бўлмоқда.



Мазкур маблағлар Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига йўналтирилади. Бунинг ҳисобидан ҳудуднинг ўзида кўплаб муаммоларни ҳал этиш (жумладан, маҳалла инфра-тузилмасини яхшилаш, ободонлаштириш, моддий ёрдам, ижтимоий кўллаб-қувватлаш, кутубхоналар, спорт майдончалари қуриш каби) имконияти яратилди. Жорий йилнинг ўтган етти ойида жамғармага 623,6 миллиард сўм маблағ тушурилиб, аҳолининг шароитини яхшилашга мақсадли сарфланган. Президент Шавкат Мирзиёев яширин иқтисодиётга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимида солиқ тўловчиларни рағбатланти-

риш билан боғлиқ ташаббусларни илгари сурди. Иқтисодиёт ва мол-вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Норқуловнинг қайд этишича, Ўзбекистонда кўп солиқ тўлайдиган маҳаллалар рейтингини жорий этиш режа қилинмоқда. Қайд этилишича, ҳозирда “Ташаббусли бюджет” доирасида аҳоли вакиллари овоз йиғиш йўли билан лойиҳаларни қўлга киритаётган бўлса, эндиликда солиқ йиғими яхши маҳаллаларга коэффицент қўшилади. Бу ёлиб бўлиш имкониятини оширади. Қолаверса, солиқ тўловлари бўйича 100 та энг яхши маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун бюджетдан 2 миллиард сўм ажратилади. Мазкур маҳаллалар аҳолисига ипотека ва таълим кредитлари олишда устуворлик берилади.

ТАРТИБ





Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида куриб битказилган ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИГА таширф буюрди.



Давлатимиз раҳбари Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган МИЛЛИЙ ФУТБОЛ МАРКАЗИни бориб кўрди.



Президентимиз Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғига ёндош КУРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ МЕҲМОНХОНАЛАР МАЖМУАСИни кўздан кечирди.

2

№67 | 2025 йил 20 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

НАМАНГАН
ВИЛОЯТИ
КОСОНСОЙ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Одамлар розилиги қалбга йўл топмоқдан бошланади

ОБОДЛИК

“Обод ва
файзли
маҳалла —
юрт кўрки”

Давом. Бошланиши 1-саҳифада.



Аслида, бундай кенг миқёсли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари элнинг жипслигини синовдан ўтказади. Шу сабабли бўлса керак, неча асрларки, бу анъана барҳаёт. Ҳашар дейилса, етти ешдан етмиш ёшгача бўлганлар белини маҳкам боғлаб эзгу ишга отланади.

Ҳўш, бу йилги умумхалқ хайрия ҳашарида қандай ишлар бажарилиши кўзда тутилган? Бу ҳақда Ҳукумат фармойишида алоҳида вазифалар белгиланган. Чунончи, ҳашар кунлари 24,9 минг гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилади, 19,7 минг тоннадан зиёд чиқиндилар чиқариб ташланади, 21,3 минг километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланади.

Ёшларни жалб этган ҳолда, 10 минг 724 та қабристон (шундан 515 таси таъмирталаб) ободонлаштирилади ва таъмирланади. 638 та зиёратгоҳ ва 143 мингдан зиёд кўча тартибга келтирилади, 20 миллиондан ортиқ дарахт оқланиб, уларга шакл берилади.



Шу билан бирга, 44 минг 322 та кам таъминланган оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланади, 98 минг 581 та оиланинг томорқа майдонларига экин экилади. 61 минг 816 нафар эҳтиёжманд оила, шу жумладан, 23 минг 650 нафар ногирон ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилади. Ҳашар кунлари жамоатчилик вакиллари иштирокида 450 тага яқин маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, ишлаб чиқариш корхоналар, маҳалла бинолари, болалар спорт майдончалари фойдаланишга топширилади.

Фармойишга кўра, ҳар бир маҳаллада амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир кўча, кўп қаватли тураржойларда “кўчабай”, “хонадонбай” иш ташкил этилади, ҳар бирига “маҳалла еттилиги” ва фаоллар бириктирилади. Маҳаллаларда ободлик, соғлом турмуш тарзи ҳамда санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилади.

22-23 август кунлари барча юртдошларимиз умумхалқ ишидан четда турмайди, деган умиддамиз. Зотан, халқимизга хос бирдамлик, ҳамжихатлик, аҳиллик, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, маҳалла-қўй, теварак-атрофни тоза ва озода саклаш фазилатлари айнан умумхалқ ҳашарларида ўз ифодасини топади.



Аҳолининг розилигига эришишни истаган раҳбар хизмат хонасидан чиқиб, одамлар орасига кириш керак. Мен ҳам ҳар кунги иш фаолиятимни шу тарзда бошлайман. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганаман. Маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ўтказаман. Жараёнда аниқланган камчиликларга ечим излаймиз.

Комилжон МИРАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Косонсой тумани
бўлими бошлиги.

“

Гўрмирон” маҳалласидаги сафаримизда иккита ички кўчанинг 1,5 километр қисми таъмирталаблиги аниқланганди. Тез фурсатда муаммо ҳал этилди. Бундан ташқари, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 6 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортилди. Натижада 250 та хонадон оби ҳаёт билан таъминланди. “Учқўрғон” маҳалласига 2 млрд. 800 млн. сўм маблағ ажратилиб, аҳолининг ичимлик сувга бўлган

эҳтиёжи қондирилди. Шунингдек, “хонадонбай” ўрганишлар бўйича 59 та маҳалладаги 38 185 та хонадон ўрганилиб, жами 6 185 та муаммо аниқланган бўлса, шундан 5 150 таси ҳал этилди. Бунинг учун вилоят маҳаллий бюджетидан 6,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Маълумки, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароит яратишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай хайрли ишларнинг амалий ифодаси сифатида 6 нафар хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга 600 миллион сўм, 18 та оилани бошпанали қилиш учун 1,8 миллиард сўм ажратилди. “Аёллар дафтари”га киририлган 825 нафар хотин-қизга 500 миллион сўм моддий ёрдам берилди. 65 нафар ногиронлиги бўлганлар моддий қўллаб-қувватланиб, уларга зарур тиббий жиҳозлар учун 170 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

“Наманган тажрибаси” асосида хонадонларни хатловдан ўтказиш жараёнида қулайлик ва тезкорлиқни таъминлаш мақсадида “Telegram” ижтимоий тармоғида алоҳида “@argos_xatlovbot” жорий қилинди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида аҳоли томорқаларини сўғориш тизимини яхшилашга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда. Жумладан, туманининг “Қўқумбой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2 та тик қудук қурилди. Ушбу қудуқларда сув тортиш тизи-



ми замонавий технологиялар асосида ташкил этилган бўлиб, 20 кВт. қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилди. Сув чиқариш ишлари тўлиқ қуёш энергияси ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу эса электр энергиясига бўлган эҳтиёжни камайтиради ва экологик жиҳатдан самарали ечим ҳисобланади.

Аҳоли турмуши даражасини яхшилашда томорқачилиқдан самарали фойдаланилмоқда. Абдурахмон Жомий номи маҳаллада яшовчи Мухаммад-олим Ҳамдамов хонадони турфа гуллар билан ажиб манзара касб этган.

Ҳамдамовларнинг гулчилик сулоласи бугунга келиб иккита алоҳида иссиқхонада йигирма беш мингдан зиёд петунья, шафран, павли, виола, акила, газаня ва бошқа турдаги гул кўчатларини етиштирмоқда.

“Боғибаланд” маҳалласининг Зиёкор кўчасида яшовчи Муроджон Жалолов ҳам гулчилик ортидан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, яхши даромад топаётганлардан. 2 сотих иссиқхонада гулчилик ва кўчатчилик фаолияти билан шуғулланади. 200 турдан ортиқ гуллари бор. Бундан ташқари, хонадониди чорва молларини парваришлаб, кўпайтириб келмоқда.

“Нурафшон” маҳалласи аҳолиси ҳам томорқачилиқда барчага ўрнак. Қайси хонадонга қирсангиз, томорқадан унумли фойдаланилаётганига гувоҳ бўласиз.

Сойовул кўчасида плёнка остига экилган бодринг кўчатларини кўриб, бугунги ривожидан кўзингиз кувнайди. Хонадон эгалари томорқадан унумли фойдаланган ҳолда ундан яхши даромад қилишмоқда. “Намуна” маҳалласи идорасида “Маҳалла кутубхонаси” ташкил этилди. Бугун ушбу кутубхонада мингга яқин илмий ва бадий адабиётлар мавжуд.

МАНЗАРА

“Инсонлар оғирини енгил, узоғини яқин қилиш илинжидамиз”

Маҳаллага маслаҳат, ёрдам сўраб кунга ўнлаб фуқаро мурожаат қилади. Ана шу инсонлар оғирини енгил, узоғини яқин қила олсак, зиммамиздаги вазифани бажарган бўламиз.

Одилжон ОМОНОВ,
Косонсой туманидаги
“Узунқишлоқ” маҳалласи раиси,
туман Кенгаши депутаты.

Сўнги бир неча йил ичида ҳудудимиз обод ва кўркем бўлиб, аҳоли турмуши фаровонлашди. Ички йўллар таъмирланиб, электр таъминоти яхшиланди. Ёшлар учун янги спорт майдончалари, болалар



ўйингоҳлари барпо этилиб, аҳолига қулай муҳит яратилди. Аҳолининг барча қатлами билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилган. Жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш долзарб вазифага айланган. Адига Ғофурова кўп йиллардан бери ёшларга технология фанидан дарс бериб келади. Бўш вақтида хонадониди гулчилик билан шуғулланиб, қўл меҳнати орқали тўй маросимларига турли хил тўй сарполари, совға-саломлар ясайди. Бу билан оила бюджет-

тига қўшимча даромад келтирмоқда. Шунингдек, хонадониди касаначилик асосида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, ҳозирги кунда “Аёллар дафтари”га киририлган 3 нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлади. Бугун ҳудудда жами 35 нафар тадбиркор фаолият олиб бормоқда. Ишсизлик ва камбағаллик даражаси йилдан-йилга яхшиланмоқда. Ўтган йили камбағаллик 9,5 фоизни ташкил этган бўлса, бугун 2 фоизга тушди. Ишсизлик тўлиқ тугатилди.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“MAHALLA” ГАЗЕТАСИ ҚАДРЛИ НАШРИМГА АЙЛАНГАН



Абдуҳамиджон АЗИЗОВ,
Косонсой туманидаги
“Гулобод” маҳалласи раиси:

— Газета ва журналлар одамларга зиё улашади. Мен ҳам фаолиятимда фойдаланиш учун бир нечта нашрга обуна бўлганман. Шубҳасиз, уларнинг орасида “Mahalla” газетасининг алоҳида ўрни бор.

Мазкур нашр бошқа газеталарга қараганда кенг қамровлилиги, соҳанинг барча жиҳатини қамраб олган долзарб мавзуларни ёритиши билан қадрлидир. Шу боис ҳар йили биринчилар сафиди обуна бўламан.

Газетанинг ҳар бир сонини “еттилик” ходимлари қизиқиб билан мутолаа қиламиз. Фаолиятимизда фойдаланиш учун керакли маълумотларни, илғор тажрибаларни айнан шу газетадан оламиз. Айниқса, ҳудудларга хос тажрибалар, ташаббуслар бизга янги ғоялар беради.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШГА
ҚАРАТИЛГАН Президент
қарори қабул қилинди.



ПРЕЗИДЕНТ
ҚАРОРИГА КЎРА,
сув ресурсларини
бошқариш ва
иригация секторини
ривожлантиришнинг
2025-2028 йилларга
мўлжалланган дастури
тасдиқланди.



Қозоғистон президенти
Сенат Раиси
ТАНЗИЛА НОРБОВЕВАНИ
“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ
БИЛАН ТАҚДИРЛАДИ.

Mahalla

№67 | 2025 йил 20 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

3

ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ
ЁЗЁВОН
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Ўйладик, изладик, интилдик, натижаси кўп куттирмади”

Мамлакатимизда
яшаётган ҳар бир
инсон ҳаёти маҳалла,
оила билан узвий
боғлиқ. Агар маҳалла
обод, хонадонлар тинч,
маҳалладошлар аҳил-
иноқ бўлса, турмуш
янада фаровонлашади.
Ишимизни шу мезон
асосида ташкил
этганмиз.



Мирзохид ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Ёзёвон тумани
бўлими бошлиғи.

Сир эмас, яқингача
Ёзёвон чўл ҳудуд,
олис манзил сифатида тилга
олинарди. Бугун манзара

бўтунлай ўзгарди. Шаҳар на-
фаси кириб келди. Масалан,
ҳудуддаги жуда катта май-
дондан ер ости сизот сувлари
оқиб ўтади. Ер фойдаланиш-
га яроқсиз. Мутахассислар
билан маслаҳатлашганимизда
шу жойни фойдали майдон-
га айлантириш мумкинлиги
маълум бўлди.

Жорий йилда бошланган

ҳаракатлар натижасида 4 км.
узунликдаги ер ости сизот
сувлари оқиб ўтадиган зовур
фойдаланиш учун яроқли ша-
клга келтирилмоқда. Бунинг
учун ёпиқ дренажлар ўрна-
тилмоқда. Бугунгача “Тошхо-
вўз” маҳалласи ҳудудидagi
1,8 км. масофадаги зовурга
махсус қувур ётқизибли, 30
дан ортиқ хизмат кўрсатиш
шоҳобчалари қуриб битка-
зилди. Янги бинолар, асосан,
шу ерлик ёшлар, вақтинча
ишсиз оила аъзолари ва
миграциядан қайтганларга
берилмоқда. Англаганингиз-
дек, йўқдан бор қилиш, борни
йўқдек кўрсатиш мумкин.
Барчаси инсоннинг ўзига,
ҳаракатлига боғлиқ. Ўйладик,
изландик, интилдик, мана
натижасини кўряпмиз.

Шу каби яна бир ташаб-
бус — Марказий Фарғона
сув омбори атрофида “Яшил
макон” умуммиллий лойиҳаси
доирасида 200 гектардан

ортиқ майдонда “яшил бел-
боғ” ташкил этилгани бўлди.
Пировардида, замонавий дам
олиш масканлари, хизмат
кўрсатиш объекллари қури-
либ, туризм янги “драйвер”
соҳага айланди, минглаб иш
ўринлари яратилди.

“Ёшларга ер ажратиш
орқали уларнинг даромадла-
рини ошириш ва бандлигини
таъминлаш, шунингдек, янги
ер майдонларини ўзлашти-
риш чора-тадбирлари тўғри-
сида”ги Президент қарорига
кўра, 76 нафар йигит-қизга
20 гектар ер берилган. Бу
майдонда ёш деҳқонлар “Бир
маҳалла — бир маҳсулот” та-
моийли асосида қовун-тарвуз
экиб, ҳосилни сотишмоқда.

Кейинги йилларда сано-
атнинг кириб келгани одам-
лар ҳаёти, турмуш тарзида
ҳам акс этмоқда. “Тошхөвўз”
маҳалласида ташкил этилган
тикувчилик қорхонасида ҳар-
бий хизматчилар учун махсус



либослар тикилмоқда. Бу
ерда 60 та иш ўрни яратилиб,
“Аёллар дафтари”да рўйхатда
турган хотин-қизлар бандли-
ги таъминланган. 3,5 миллион
сўмдан 9 миллион сўмгача
маош берилмоқда.

“Юқори сойбўйи” маҳалла
фуқаролар йиғини ҳудудида
истикомат қилувчи Ёдгорали
Қодиров оила аъзолари би-
лан 35 сотих ерда иссиқхона
ташкил этиб, бодринг парва-
ришлашни йўлга қўйган. Шу
тариха оила бодринг савдо-
сидан қунига 5 миллион сўм
даромад оляпти.

Маълумки, юрт ободлиги,
мамлакат тараққиёти маҳал-
лалар тинчлиги ва оёйишта-
лигига боғлиқ. Шунинг учун
тумандаги 33 та маҳаллада
жамоат хавфсизлигини
таъминлаш, жиноятчиликни
барвақт олдини олиш ва
жиловлаш мақсадида “Хавф-
сиз маҳалла” тамойили жорий
этилган. Мисол учун, маҳалла
фуқаролар йиғинларининг
247 та кириб-чиқиш жойига
ҳомийлик маблағлари ҳисо-
бидан 228 та қузатув каме-
раси ўрнатилди. Улар туман
ички ишлар бўлими билан
интеграция қилинди.

Бир сўз билан айтганда,
маҳалла инсонларнинг дарди,
қувонч ва ташвишларини акс
этирувчи масканга айланиб
улгурди. “Маҳалла етилиги”
эса аҳоли муурожаатларини
ҳал этиш, турмуш даражасини
яхшилашда янги имконият-
ларни рўёбга чиқаряпти.

Ҳар доим қўллаш учун сиз ҳам бир қадам ташланг



Камбағалликни ойлик ёки нафақа
миқдорини кўпайтириш, ёппасига
кредит бериш билан камайтириб
бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало,
аҳолини касбга ўқитиш, молиявий
саводхонлигини ошириш, одамларда
тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш,
инфратузилмани яхшилаш, манзилли
нафақа тўлаш тизимини жорий
қилиш керак.

Фарҳод ОРИПОВ,
Ёзёвон туманидаги
“Дўстлик” маҳалласи раиси.

КИМГАДИР НОГИРОНЛИК ЧЕГАРА ЭМАС, КИМДИР СОҒ ТАНАСИГА МЕҲНАТДАН ОРЛНАДИ

Кимлардир соғлом бўла туриб,
ишлашни, меҳнат қилишни
истамайди. Минг турдаги баҳона
билан боқимандаликни касбга
айлантирган. Яна кимлардир
жисмида нуқсонни бўлса-да, ҳаётга
соғлом инсонлардек қарайди.
Интилади, изланади.

Махфуза МАМАЖОНОВА,
Ёзёвон туманидаги “Баҳор” маҳалласи раиси.

Бахтигул Мадаминова — шундай инсон-
лардан. У болаликдан ногирон. Лекин
бунни ўзига чегара, деб билмайди. Шу
боис имконсизликдан ўзи ва маҳалласи учун
имконият ярата олган.

Уйда тикувчилик билан шуғулланиб,
кўпларнинг дуосини олиб келарди. Аммо бу
билан чекланмай, маҳалла ҳудудида бўш
турган бинодан самарали фойдаланиш фикри
туғилди. Таклифини маъқуллаб, кўмаклашдик.
Фойдаланиш учун бино ва тикув машиналари
сотиб олишга имтиёзли кредит ажратдик.

Ташаббус билан бошланган фаолият нати-
жасида тикувчилик қорхонаси ташкил этилди.
Ҳозирда 4 та иш ўрни яратилди. Қолаверса,

Бахтигул ҳар ойда маҳалланинг 10 нафар хо-
тин-қизларига хунар ўргатмоқда. Бунинг учун
ойига 1,5 миллион сўм маош олади. Ўзтибор-
лиси, бундан 5 ой аввал иш изловчи аёл энди
иш берувчига айланди. Ойига 8-10 миллион
сўм даромад топмоқда. Маҳалла кўмагида
оиласи фаровонлигини таъминлаётган бу
каби тақдирлар кўплаб топилади. Умуман, йил
бошида 68 нафар ишсиз хотин-қиз “Аёллар
дафтари”га киритилган бўлса, барчасига зарур
ёрдам кўрсатилди, бандлиги таъминланди.

Жорий йилда 103 нафар ишсиз, 31 та
камбағал оила рўйхатга олинган эди. Бугунга
келиб, бирорта ишсиз фуқарони учратмайсиз.
Оилаларнинг 19 таси камбағалликдан чиқа-
рилди. Шу кунгача 367 та хонадонга ҳомий-
лик ёрдами кўрсатилди.

Айтиш керакки, “Ташаббусли бюджет”
лойиҳаси одамларни бирлаштирди. Биз ҳам
6 марта танлов олиб бўлдик. Навбатдаги
босқичда кўча чироқлари ўрнатиш бўйича
лойиҳа тайёрлаб, таклиф киритдик. Якунда
1 миллиард 360 миллион сўм маблағ ютиб
олдик. Бу маблағ эвазига 19 та кўчага 380
та замонавий қўёш панелли кўча чироқлари
ўрнатилди.

Гувоҳ бўлганингиздек, ишсизлик, жиноят-
чилик, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга
айланганмиз. Келгуси режамиз — камбағал-
ликни тўлиқ тугатиш.



БАРЧА МУАММОЛАР БИР ЙИЛДА БАРҲАМ ТОПДИ

Маҳалламизда ўтган йиллар давомида бирорта
йирик ҳажмдаги иш амалга оширилмаган.
Электр таъминоти, тоза ичимлик сув, йўл
таъмири, сўғориш тизимида ечимини кутаётган
масалалар одамларнинг оғриқли нуқтаси эди.



Алимардон ТўРАЕВ,
Ёзёвон туманидаги “Сувли арик” маҳалласи раиси.

Йўллар абгор, аҳоли тоза ичимлик сувни бир неча
километр масофадан ташиб ичишга мажбур бўларди.
Хизматини ўтаб бўлган электр тармоқларида
узилишлар одатга айланиб қолганди.

Кўп йиллар муаммога ечим излаб, тақиллатмаган
эшигимиз қолмаганди. Фақат қуруқ ваъда билан қайтардик.
2025 йилда биз учун янги давр бошланди. Узоқ йиллик
орзуларимиз рўёбга чиқа бошлади.

Кўчалар асфальтланганидан бир қувонган бўлсак, хона-
донларга тоза ичимлик сув тармоғи тортилганида қувончимиз
икки ҳисса ошди. Навбатда электр таъминотидаги муаммо-
ларни ҳал этиш турарди. “Камбағалликдан фаровонлик сари”
дастури асосида бу муаммога ҳам ечим топилди. Шунингдек,
сўғориш тизими таъмирланди. Эски ариқлар бетонланиши
ортдан оқова сув исрофи қискарди. Барча хонадонларга сув
етиб борди. Натижада томорқадан фойдаланиш даражаси
ошди. Йилга 3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилди.

Бугун маҳаллада ким билан суҳбатлашманг, йиллар даво-
мида ечимни топилмаган муаммолар бир йилда ҳал этилга-
нидан ҳайратини яширмайди. Айниқса, қишлоқ аёлларининг
қувончи чексиз.

Бир сўз билан айтганда, “инсон қадр”, деган тушунча бугун
баландпарвоз гап эмас, балки амалга қўйган ислохотлар акси-
га айланди. Бунни мана шундай олис, чекка ҳудудларда одам-
ларга яратилган имкониятлар мисолида кўриш мумкин.

Яна бир муҳим омил — меҳнат қилса,
роҳатини кўришга ишонтира олиш
лозим. Албатта, бу жараёнда интилиш, ҳаракат
икки томондан бўлиши керак. Агар “маҳалла
еттилиги” ёрдам берсаю, аҳоли бунга ўрганиб
қолса, боқимандалар кўпаяди. Аксинча
ҳолатда аҳолининг маҳаллага ишончи сўнади.
Эҳтиёжманд оила вакиллари билан ишлашда
шу жиҳатга эътибор қаратяпмиз. Тадбиркорлик
фаолиятини бошлаган оилаларнинг кейинги
тақдири доимий назоратда бўлмоқда.

Ҳасанбой Холматов тадбиркорлик билан
шуғулланишга қизиқар, лекин маблаг етарли
эмасди. Унга ҳоким ёрдамчиси Садам
Субҳонов тавсияси асосида 100 млн. сўм
имтиёзли кредит ажратилди. Бугун Ҳасанбой
новвойчилик фаолиятини йўлга қўйиб, 5 та иш
ўрни яратди.

Ўғилбой Йигиталиева “Аёллар дафтари”да
рўйхатда турарди. Унга субсидия асосида тикув
машинаси берилди. Имкониятдан унумли
фойдаланган бу аёл яқка тартибдаги тадбиркор
сифатида “Жозибба” номли аёллар сартарошхо-
наси ташкил этди. Ҳозирда 5 нафар хотин-қиз-
нинг бандлигини таъминлади. Келгусида
100 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, аёллар
фитнес клуби очмоқчи.

Фотимахон Тўхтасинова ишсиз эди.
Маҳалла кўмагида у “Мумтоз Муҳаммад
Султон” қорхонасига расмий ишга жойланди.
Йил бошида “Аёллар дафтари”га 94 нафар
хотин-қиз киритилган бўлиб, бугунгача
75 нафари хотин-қизлар фаоли кўмагида
доимий ишга жойланди. 4 нафарига имтиёзли
кредит ажратилди. Улар тадбиркорлик
фаолиятини бошлади. 50 нафар аёлга
субсидия асосида тикув машинаси берилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, камбағаллик
ва ишсизликни қисқартиришда инфратузилма
ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бу борада
ҳудудда қатор ишлар бажарилади. Жаҳон
банкнинг 6,5 млрд. сўм маблағи ҳисобига
14 км. йўл асфальт қилинди. 2,5 км. масофага
замонавий электр тармоқ тортилиб, янги
трансформатор ўрнатилади. Барча хонадонлар
ичимлик сув билан таъминланди.

Маънавий-маърифий ишларнинг
самарадорлигини таъминлаш мақсадида бир
ташаббус бошлаганмиз. Оилалар ўртасида
мутолаа соатини йўлга қўйганмиз. Тавсиямиз
билан маҳалла гузарига йиғилган отахонлар
“Mahalla” газетасини ўқиб боришмоқда.



Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги 6 ой ичида ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ 5,5 ФОИЗДАН 5,1 ФОИЗГА тушганини маълум қилди.



Ўзбекистонда МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИ СОНИ 20,3 МИЛЛИОН КИШИНИ ташкил этди. Шундан 14,6 миллион киши банд аҳоли ҳисобланади.



ИҚТИСОДИЙ НОҒАОЛ АҲОЛИ ОРАСИДА 2,2 миллион киши декрет таътилида, 2 миллиондан зиёди олий таълим муассасаларида таҳсил олмақда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҲАНГАРОН ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ўзгаришлар аҳоли кайфиятини ҳам, турмуш тарзини ҳам ўзгартириб юборди

ҲОЛАТ

“Тадбирли одамлардан маслаҳатни аямадик...”

Узоқ йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, маҳалла тизимига бугунгидек катта эътибор қаратилмаган. Ҳозир фуқароларнинг ҳар бир масаласи маҳалланинг ўзида кўриб чиқилиб, ҳал этиш чоралари кўриляпти. Бу борада “маҳалла еттилиги” аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланди.



Муқаддас ҲОЖИМУРОДОВА, Охангарон шаҳридаги “Бўстон” маҳалласи раиси.

Тадбиркорлик қилиш истагидаги фуқароларга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан турли йўналишлар бўйича имтиёзли кредитлар ажратилапти. Зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатилляпти. Бунинг натижасида маҳалла ҳудудида савдо-сотик, хизмат кўратиш, ишлаб чиқариш соҳаси ривожланди. Айниқса, Амир Темур шох кўчасида кўп қаватли уйлар қурилиб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилгач, кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари иш бошлади.

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш билан биргаликда, тикувчилик, қандолатчилик, чорвачилик йўналишлари кенгаймоқда. Тадбиркор Тожиғул опа раҳбарлигидаги тикувчилик цехида турли ки-йим-кечақлар тикилиб, тайёр маҳсулотлар қўшни давлатларга экспорт қилиняпти. Бу ерда қирқ нафарга яқин хотин-қиз банд.

Энажон Охунова ишсиз аёллардан эди. Қизиқиши ва таклифидан келиб чиқиб, унга имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб берилди. Ҳозир ўз уйида маҳалладошларининг буюртмаларини тикиб, қўшимча даромад топяпти. Ёнида бир нафар шогирди ёрдам бериб, ўзи ҳам хунаур ўрганияпти. Энажон анча удабурон. Уй юмуши, тикувчилик ишларидан ортиб, мўъжазгина иссиқхонасида лимон етиштиряпти.

Файзулла Ботирбеков чорвачилик ҳадисини олган. Имтиёзли кредит асосида тўрт бош бука, олтига зотли кўчкор олиб, бўрдоқчилик билан шуғулланыпти. Наргиза Фозилова эса чучвара, лағмон каби ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаб, дўконларга етказиб берапти.

Халқимиз меҳнаткаш, уларга озгина кўмак ва шароит яратилса кифоя, колганини ўзлари эплаб кетишади. Бу борада мавжуд муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, зарур шарт-шароитлар яратилляпти. Ички йўллар таъмирланиб, асфальтланди, ичимлик сув қувурлари янгиланди. Эски симёғочлар бетон устулларга алмаштирилиб, кўчаларга тунги ёритгич чироклари ўрнатилди. Яқин кунларда яна 110 та қўшимча чироклар қўйилади.

Ҳозирда қўшни “Намуна” маҳалласи билан чегарадош ҳудуддаги анҳор бўйида 200 метрдан иборат пиёдалар йўлагини қураппиз.

Бугун маҳаллада Мустақилгимизнинг 34 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ташкил этилиб, “Уч авлод учрашуви” ўтказилади.

Охангарон шаҳри катта саноат салоҳиятига эга. Шаҳар “Тошкент—Ангрен” темир йўл йўналишида жойлашган бўлиб, ҳудудда йирик корхоналар, заводлар мавжуд. Қувонарлиси, ишлаб чиқариш корхоналарининг сони йилдан-йилга ортиб борапти.

Улуғбек РОЗИМБЕТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Охангарон шаҳар бўлими бошлиғи.

Сўнгги йилларда шаҳарнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланди. Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфра-тузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди. Шаҳар ҳудудидан Фарғона водийсига ўтувчи А-373 автомагистрал йўли бўйида ўнлаб кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳоли учун қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, уйларнинг атрофида мактабгача таълим муассасаси, спорт мажмуаси, маҳалла гузари, пиёдалар ва велосипед йўлакчаси, дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилди. Бу ўзгаришлар чиройи шаҳар аҳолисининг кайфиятида ҳам ўз аксини топмоқда.



Йил бошида Охангарон шаҳридаги 18 та маҳаллани ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажралиш, миграция ва жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга, “Сайхунбод”, “Уйчи” тажрибалари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш учун “Обод дафтари” ишлаб чиқилган эди. Шу асосида мавжуд муаммолар ҳал этиляпти. Биргина “Бирлик” маҳалласида оммавий ҳашарлар ташкил этилиб, темирйўл атрофи ободонлаштирилди. “Қўрғон” маҳалласининг Охангарон кў-

часи бўйлаб 45 метр масофага оқова сув тармоғи тортилди. “Нўғайкўрғон” маҳалласида “Зарбдор” тажрибаси асосида 1,5 километр масофада пиёдалар йўлагига қуриляпти. “Обод хонадон” мезони бўйича 30 та кам таъминланган оиланинг хонадонлари таъмирлаб берилди. Шу кунга қадар “Обод дафтари”га киритилган 578 нафар ишсиз фуқаронинг 405 нафари ишли бўлди. 96 нафарига имтиёзли кредит, 12 нафарига субсидия ажратилди. Хусусан, “Ёшлик” маҳалласида яшовчи, “Аёллар дафтари”да турувчи Моҳира

Баратова имтиёзли кредит олиб, чорвачилик билан шуғулланыпти. 261 нафар фуқаро турли соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилди. Миграцияга кетган 87 нафар фуқаро қайтарилиб, ишли қилинди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 161 нафар фуқаронинг 50 нафарига ҳасса, 20 нафарига ногиронлик аравачаси, 4 нафарига эшитиш мосламаси, 13 нафарига қўлтиктаёк, 6 нафарига тирсакли қўлтиктаёк, 49 нафарига протез мосламаси берилди. Шу тариқа “Обод дафтари”га киритилган 334 та камбағал оиланинг 126 нафари камбағалликдан

чиқарилди. Ўзим ҳам 5 та камбағал оилага бириктирилганман.

Ҳозирга қадар ажралиш ёқасидаги 46 та оиланинг 10 таси яраштирилди. Маҳаллаларда жиноятчилик ўтган йилгига қараганда 10 тага камайди. 18 та маҳалланинг олти таси “яшил”, 10 таси “сарик” тоифада.

Бугун ҳар бир масала маҳаллаларнинг ўзида ҳал этиляпти. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилляпти. Хусусан, янги маҳалла бинолари қуриляпти. “Намуна” маҳалласида ҳам янги бино қурилиши бошланди.

ЮКСАЛИШ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИДА ИШСИЗЛИК КАМАЯДИ

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, кўплаб масалалар маҳалланинг ўзида ҳал қилиняпти. Аҳоли аввалгидек, кредит, моддий ёрдам, солиқ масаласида шаҳар марказига қатнаб, вақтини ва нақдини кетказаятгани йўқ.

Шарафхон АҲРОРОВ, Охангарон шаҳридаги “Янгибод” маҳалласи раиси.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолаётгани айни муддао бўлди. Ушбу маблағлар эвазига “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида энг долзарб муаммолар ҳал этиляпти.

Аҳолининг аксарияти “Охангаронцемент” ва “Охангароншифер” заводларида меҳнат қилади. Маълум қисми маҳалла ҳудудида жойлашган деҳқон бозорида тадбиркорлик, савдо-сотик ва бошқа хизмат кўрсатиш ишлари билан банд.

Янгиободликлар ишбилармон. Элик фоизи асосий ишидан ташқари қўшимча чорвачилик билан шуғулланса, яна 70 фоизи 20-30 бошдан товуқ боқишади. Сут, гўшт, туҳум маҳсулотларини ўзларидан ортганини сотишади. Оқова сув муаммо бўлса-да, имконини топиб, помидор, бодринг, баклажон, булғор қалампирни экиб, бозорга чиқараётган-

лар, кичкина боғида қўшимча даромад олаётганлар бор.

Ҳудудда асаларичилик ҳам ривожланыпти. Биргина Ғофур Шариповнинг ўзида 40 тадан ортиқ асалари уяси бор. Иссиқхона ташкил этиб, турли экинлар экаятганлар ҳам кўпаймоқда. Ана шундай ишбилармон муҳит ҳукмрон маҳаллада ишсизлар йўқ.

Маҳаллаларга қаратилаётган эътибор натижасида олти йиллик муаммолар ҳал этиляпти. Шаҳар марказида жойлашган бўлса-да, илгари бу ерда канализация йўқ эди. Яқинда бу ишлар амалга оширилди. Олдин сал шамол бўлса, электр энергияси узилиб қоларди. 169 та эски симёғоч бетон устулларга алмаштирилиб, янги трансформаторлар қўйилгач, бу муаммо ҳал этилди. 1350 метр ички йўллар асфальтланди. Энг муҳими, чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш тизими йўлга қўйилди.

Биргина муаммо — ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун муносиб шароит йўқ. Зарур спорт майдончалар қурувчи тадбиркорлар бор, лекин ҳудудда ортиқча ер йўқ.



МИНБАР

“Қирқ йиллик орзум амалга ошди”

Узоқ йиллар Бекобод тумани “Далварзин” маҳалласидаги 11-мактабда ўқитувчилик қилдим. Азалдан тарихни ўрганишга, музейлар ташкил этишга қизиқаман.



Қосим ЁҚУБОВ, Бекобод туманидаги “Далварзин” маҳалласи фаоли, “Фидокорона хизматлари учун” ордени ва “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвони соҳиби.

1970-80 йилларда Далварзин чўлида ташкил этилган ўнлаб аҳоли яшаш жойлари тарихини ёзиб, китоб қилдим. 1974 йил туманимиз тарихини ўрганиш ташаббуси билан чиқдим, лекин бу ҳаракатим тўхтатиб қўйилди. Президентнинг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони иштиёқимни янада жонлантирди. Чунки ушбу ҳужжат асосида 2020-2025 йиллар давомида босқичма-босқич ҳар бир туман ҳамда шаҳарда тарих ва маданият давлат музейларининг филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши белгиланган эди.

Шу илҳом билан ҳозирга қадар 5 та — “11-мактаб тарихи”, “Темуррийлар тарихи”, “Хотира уй музейи”, “Ўлка тарихи”, “Далварзин тарихи” музейларини ташкил этдим. Уларнинг иккитаси — “Хотира уй музейи” ва “Ўлка тарихи” юқоридаги фармон асосида яратилган.


Музей коллекцияларини халқ орасида юриб ййғаман. Бу ишда шогирдларим кўмакичи. Ҳозир ушбу музейлар кўплаб ёшларга тарих фанини ўрганишга ёрдам берапти. Энг муҳими, маҳалламиз ёшларининг маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшапти.

Педагог бўлганим учун маҳаллада кўпроқ ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланаман. Шунингдек, “Кексалар маслаҳати” гуруҳи аъзоси сифатида “маҳалла еттилиги” иштирокида тарбияси оғир ёшлар, нотинч ва низоли оилалар билан ишлайман. Шўқрки, ажралиш, нотинч оилалар деярли йўқ. Агар ҳар бир ёш болалигидан китоб ўқиса, музейларга борса, ота-она, маҳалла-қўй назоратида бўлса, ҳеч қачон ёмон йўлга қирмайди.

Қосим Ёқубовнинг “Бекобод она юртим”, “Меҳнома”, “Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси тарих”, “Шўқрона” каби қатор китоблари чоп этилган.



Сентябрь ойидан бошлаб, меҳнат инспекторлари ОЛДИНДАН ОГОХЛАНТИРМАЙ ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШИ мумкин бўлади.



Ота-оналарга таълим шартнома тўлови учун солиқ имтиёзини қўллашда ФАРЗАНДНИНГ ЁШ ЧЕГАРАСИ БЕКОР БЎЛДИ.



Ўзбекистон Афғонистон билан энергетика соҳасида 243 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК 4 ТА ЛОЙИХАни амалга оширади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Ўсиш драйверлари” ривожланса, бандлик ва фаровонлик ортади

ТАШАББУС

ШУКУРКИ, БИРОРТА ОИЛА АЖРАШГАНИ ЙЎҚ...

Маҳалламиз қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашган. 808 та хонадон эгаларининг бирортаси бозордан картошка, сабзи ёки помидир сотиб олмайди, барча озиқ-овқат маҳсулотлари томорқаларида етиштирилади. Амударё яқин бўлгани учун оқова сув яхши. Бу, ўз навбатида, чорва моллари озуқа маҳсулотларини етиштиришда қўл келяпти.



Рохатжон ТОЖИБОЕВА, Янгибозор туманидаги “Олтинқўл” маҳалласи раиси.

Аҳоли билан ҳамжиҳатликда, оғиз бирчиликда ишлаб, барча мақсадларга эришяпмиз. Маҳалла “Обод маҳалла” дастурига киритилиб, бир қатор ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Ҳашар орқали иккита қабристон йўлларига тош тўкилиб, шебен ётқизилди, машиналар тураржойи ташкил этилди. Ўтган йили “Ташаббусли бюджет”да ғолиб чиқиб, замонавий оилавий шифокорлик пункти қуришга эришдик.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларга одамлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, Аҳиллик кўчасида яшовчи 32 та хонадон аъзолари ўз ташаббуслари билан шу ердан оқиб ўтган катта ариқ бўйларини ободонлаштириб, бетонлаштирди. Уйларнинг олдига турли хил гул ва дарахтлар экиб, файзли кўчага айлантиришди.

Ковун қовундан ранг олади, деганларидек, улاردан кўриб, бошқа кўча аҳолиси ҳам теварак-атрофларини тартибга келтириб, обод манзилга айлантиришяпти. Четдан келган меҳмонларга қўлайлик яратиш учун ҳар бир кўчанинг кириш қисмига номини ёзиб чиқдик.

Маҳалла тинч бўлса, кўнгли хотиржам бўлади. Фуқароларнинг осийишталлигини таъминлаш учун ҳафтада тўрт кун профилактика инспектори Иброт Давлатов билан биргаликда ҳудудни айланиб чиқаман. Агар одамларнинг чорва моллари, велосипед ва бошқа қаровсиз қолдирилган буюмлари бўлса, эгасини топиб, қайта бундай қаровсиз қолдирмасликлари ҳақида огоҳлантирамиз. Кўча бошиларига, аҳоли гавжум жойларга, савдо дўконларга видеокузатув қўрилмалари қўйилган. Профилактика инспектори шу ердаги хизмат уйида яшаб, кечая кундуз халқ хизматида. Бунинг натижасида жорий йил ҳудудда бирорта жиноят қайд этилмади. Шу боис “яшил” тоифадамиз.

32 йил мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Ҳозирги кўпчилик ёшларнинг ота-оналарини ўқитганман. Шу боис бирорта ёш оилада келишмовчилик бўлса, ёнимга олиб, “Сенинг ота-онанг яхши инсонлар, сен ҳам улар каби ибратли оила бекаси ёки бошлиғи бўлишинг керак. Йўқса, ота-онанг маҳалла-кўй олдида қандай бош кўтариб юради...”, деган панду насихатлар қилиб, мурасага келтираман. Шукрки, бирорта оила ажрашгани йўқ.



Ҳар бир маҳаллада “Хориждаги маҳалла-дошим”, “Хориждаги ватандош” телеграм гуруҳлари очилган.



Шоира РАҲИМОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгибозор тумани бўлими бошлиғи.

Асосий вазифаларимиздан бири – туманни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантириш. Шу боис дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектига доир жами 25 та йўналиш, 401 та кўрсаткич бўйича 29 та маҳалланинг баланси шакллантирилди. Барча маҳалланинг ихтисослашуви ўрганилиб, янги “Ўсиш драйверлари” аниқланди. Шунингдек, маҳаллаларда Хива туманидаги “Истиклол” маҳалласи

ҳамда Сайхунобод ва Уйчи туманлари тажрибалари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда 34,8 миллиард сўмлик 857 та лойиҳа (иш ўрни 1718 та) шакллантирилиб, амалда 34 миллиард сўмлик 836 та (иш ўрни 1674 та) микролойиҳалар ишга туширилди. Жорий йил “Ёшлар бандлиги” дастури орқали 924 нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ҳозирда олти юзга яқин ёшлар банд қилинди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган ёшларга 4 миллиард 301 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. 80 нафар ёш касб-хунарга ўқитилди, 28 нафарга деҳқончилик қилишлари учун 8,3 гектар ер майдони ажратилди ва 61 нафари чет элга ишлашга юборилди.

Тумандаги 29 та маҳаллада жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт

олдини олиш ва жиловлаш мақсадида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили жорий этиляпти. “Маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан йиғинларга 51 та, яъни, 27 та шахсни юзини танийдиган ва 24 та автотранспорт рақамини аниқлайдиган камералар ўрнатилди. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг жиноят содир этиши мумкин бўлган шахслар билан мунтазам профилактик тадбирлари амалга оширилиши натижасида 25 та маҳаллада бирорта жиноят содир этилмади.

Ҳудудни миграциядан холи ҳудудга айлантиришга ҳам катта эътибор қаратилляпти. Бугунги кунда 7 218 нафар фуқаро чет элда. Уларнинг 6 812 нафари ишлашга, 325 нафари ўқишга кетган. Жорий йил миграциядан қайтиб келган 2 392 нафар фуқаронинг 1 496 нафарининг бандлиги

таъминланди. Яна 43 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди, 124 нафари расмий секторда банд бўлди. 23 нафари касб-хунарга ўргатилди, 858 нафарининг ўз қизиқишлари бўйича ўзини ўзи банд қилишга қўмаклашилди.

Мисол учун, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Тўлқин Бобохонов чет элдан қайтиб келган, 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, умумий овқатланиш шохобчаси ташкил қилиб, 3 та янги иш ўрни яратди. “Оча қалъа” маҳалласидан Бахтиёр Жумамуратов 32 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига юк ташиш хизмати фаолиятини йўлга қўйди. “Барҳаёт” маҳалласида яшовчи Алимбой Усмонов узок муддатли ижара ер майдони олиб, деҳқончилик билан шуғулланыпти. Чет элга ишлаш мақсадида кетиш истагида бўлган ёшларни чет тилларига ўқитиш бўйича Касбий кўникмалар марказида немис ва корейс тиллари бўйича ўқув курслари ташкил қилинди. Ҳозирги кунда туманда 5 тадан ортиқ хусусий ўқув марказлари фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, “маҳалла еттилиги” аъзолари фуқаролар билан (телефон, video.chat ва х.к) суҳбатлар ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир маҳаллада “Хориждаги маҳалладошим”, “Хориждаги ватандош” телеграм гуруҳлари очилган. “Рақамли маҳалла” платформасида шакллантирилган миграция маълумотлари – хорижга кетган, қайтиб келган ва кетиш истагида бўлган фуқаролар рўйхатлари доимий янгиланиб, муаммолари ўрганилиб бориляпти. Аниқланган муаммолар тизими ҳал қилинапти.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини қийнаётган барча масалалар ҳал этиляпти. Ҳар бир жабҳада амалга оширилаётган янгиланиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш, кенг қўламли қурилиш ишларини кўриб, кўзингиз қувонади.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” газетаси — “еттилик” учун муҳим қўланма

Улуғбек АДАМБОВЕВ, Янгибозор туманидаги “Ширинлар” маҳалласи раиси.

— Ижтимоий тармоқлар ривожланиб, газета ва журналларга эътибор бироз камайди. Бироқ “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали биз, “маҳалла еттилиги” учун зарур маълумотлар кўп. Ушбу нашрлар орқали соҳамизга



оид қарор ва фармон ҳамда қонунлардан тўлиқ хабардор бўляпмиз. Республикамининг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган ҳам-касбларимизнинг иш тажрибаларидан хабардор бўляпмиз. Маълумини иш фаолиятимизда қўллаяпмиз.

Шу боис маҳалла тизими нашри бўлган ҳар икки нашрга доим обуна бўламан. Ҳозирданок 2026 йил учун “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'zgusi” журнали учун обуна бўлдим. Газета ва журналлар тахлами идорамизнинг бир бурча-гида ташкил этилган мўъжазгина кутубхонамиз жавонида сақланади. Ундан “маҳалла еттилиги” аъзолари ҳам ўқиб, иш фаолиятида фойдаланишади. Идорага ташриф буюрган аҳолимиз ҳам мутолаа қилишади.

ТАШАББУС

Хомашё етарли, фақат қайта ишлашга эҳтиёж катта

Маҳалламиз “драйвери” — деҳқончилик ва чорвачилик. Томорқачиликни ривожлантириш борасида яратилаётган имконият ва шароитлар, олиб борилаётган тарғиботлар натижасида аҳоли томорқаларида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш анча ривожланди.

Муҳайё САФАРОВА, Янгибозор тумани Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла раиси.

Бугунги кунда 680 та хонадоннинг 521 тасида қўшимча 13 сотихдан томорқа ери бор. Улар бир йилда уч марта ҳосил олишади. Биринчи экинга буғдой, унинг ортидан шולי, ундан кейин картошка ёки кузги помидор экишади. 159 та 8 сотихли хонадон эгалари томорқа ерларида турли хил сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиряпти. Қувонарлиси, помидор ва қовун-тарвузларимизнинг мазаси бутун вилоятга машхур.

Бугунги кунда юздан ортиқ хонадонда иссиқхоналар бўлиб, улар полиз ва сабзавот кўчатлари етиштириш билан шуғулланыпти.



Бир йилда уч марта ҳосил олишади. Биринчи экинга буғдой, унинг ортидан шולי, ундан кейин картошка ёки кузги помидор экишади.

Кўчатлар нафақат маҳалла ҳудудида, балки бутун вилоят миқёсида сотилади. Аминжон Қаландаров турмуш-тўртоғи билан ўқитувчилик қилса-да, бўш вақтлари иссиқхонасида турли хил кўчат етиштиради.

Гулнора Ҳожиева хонадонидида 6 сотихли иссиқхонада турли хил манзарали гул кўчатлари парваришляпти. Гуллари харидориг, барча туманларга етказиб берилади. Даромади ҳам шунга яраша яхши.

“Камбағал оилалар реестри”га киритилган фуқароларни ҳам тажрибали томорқачилар хонадонига олиб бориб, томорқачилик бўйича ўқув-семинарлар ташкил этдик. Деҳқончилик билан шуғулланишни истаганларига иссиқхона қуриб берилди. Қизиқишларига қараб, тикув машинаси, пиширик печлари тақдим этилди. Баъзилари туман марказидаги тикувчилик фабрикаларига ишга

жойлаштирилди. Оила бошлиқлари “Урганч сити” ва “Янгибозор сити”да олиб борилаётган қурилиш ишларида иш билан таъминланди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, хонадонларда чорва моллари парвариши яхши ривожланган. Ҳаммасида бўл-маса-да, 550 та хонадонда 5-6 тадан қорамол, 5-10 тадан қўй боқишади. Ҳар қуни ўртача 500 литр сўт сотилади. Шунингдек, аҳоли хонадонларида 50 тадан 300 тагача товуқ боқилади.

Маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари орасида помидор кўп экилади. Шу боис бу ерда помидорни қайта ишлайдиган корхона қуриш зарур. Бу борада тақлифлар тегишли ташкилотларга етказилган, лекин ҳозирча “шундай корхонани мен қураман”, деган тадбиркор чикма-япти. Бу ерда яна сутни қайта ишлаб, маҳсулот турини кўпайтириб, янги иш ўринлари яратиш мумкин.



Саудия Арабистонидан
КАЪБА ЁПИНЧИҒИ –
КИСВАНИНГ
ЭШИК ҚИСМИ
тўлиқ ҳолда
Ўзбекистонга
олиб
келинди.



Ўзбекистонга
Мўғулистондан импорт
қилиниши керак бўлган
100 мингта ЗОТДОР
ҚҲЙДАН ДАСТЛАБКИ
МИНГТАСИ ЕТКАЗИБ
БЕРИЛДИ.



Қирғизистон ва
Ўзбекистон
ПЕНСИОН СТАЖИНИ
ЎЗАРО ТАН ОЛИШ
бўйича
келишиб
олди.

НАВОИЙ
ВИЛОЯТИ
КОНИМЕХ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Саҳрода боғ яралади, меҳр билан унса ҳар гиёҳ

ТАЖРИБА

Янги ғоя ва таклифлар барчамизга рағбат беради

Маҳалланинг гуллаб-яшнаши, аҳолининг фаровон турмуш кечириши фақатгина давлат сиёсати ёки “еттилик” вакилларининг ташаббуси билан боғлиқ эмас. Бу борада ижобий натижага эришиш учун халқнинг ўзида ҳаракат бўлиши керак. Агар улар ҳаётини ўзгартириш, янги ғояларини амалга оширишга бел боғласа, биз ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.



Саъдулло ШАРОПОВ,
Конимех туманидаги
“Зафаробод” маҳалласи
раиси.

Маҳалла тизимида янги иш бошлаган раис сифатида хонадонларга кириб, одамларнинг яширин қобилиятларини юзага чиқаришга ҳаракат қиляпман. Аслида, халқимиз жуда меҳнатсевар, йўлини топиб олса, натижа сари олға интилишдан чарчамайди. Фақатгина айримларига туртки бериб юбориш керак.

Маҳалламиз “драйвери” ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлиб, кўпчилик катта йўл ёқасида кўча дўкон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда енгил таомлар тайёрланадиган ошхоналар очиб, рўзгорини тебратяпти. Хусусан, Жаҳонгир Бахтиёров яқинда идорамизга келиб, тadbиркорлик қилиш истаги борлигини билдирди. Бунинг учун маблағ жамғариб қўйгани, фақатгина ер топишга қийналаётганини айтди. Шунда ҳоким ёрдამчиси билан бирга фуқаронинг талабидан келиб чиқиб, уч йиллик имтиёзли давр билан ер топиб бердик. Жаҳонгир қисқа фурсатда қурилиш ишларини якунлаб, ўзининг автомобиль ювиш шохобчасини ташкил этди. У бир вақтнинг ўзида тўртта машина учун хизмат кўрсатиш имконига эга. Ёш тadbиркор келгусида имтиёзли кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган.

Худудимизда айни вақтда 101 нафар фуқаро янги бизнес лойиҳаларини амалга ошириб келяпти. Уларнинг натижалари ва иш жараёнлари билан танишиш мақсадида тез-тез ҳолдан хабар олиб турамиз. Таҳлилларга кўра, турли сабаблар билан олти кишининг тadbиркорлиги вақтинча тўхтаб қолган эди. Шундай вақтда маҳал-

ладошларимизга елкадош бўлиш катта аҳамият касб этади. Масалан, Тўлқин Расулов мактаб ошхонаси фаолиятини юритиб келаётган эди. Лекин тендерда қатнашишга маблағи етмай, ишини келган жойида тўхтатишга мажбур бўлади. Фуқаро билан узоқ давом этган суҳбатимиздан унинг юрагидаги шижоат ҳали сўнмагани маълум бўлди. Кейин қизиқишидан келиб чиқиб, мактаб ёнида кўча дўкон очишга ёрдам бердик. Турмуш ўртоғига ажратилган 50 миллион сўм имтиёзли кредитга замонавий печь харид қилиб, миллий пишириқлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Ҳар иккиси иштиёқ билан меҳнат қиляпти. Топаётган даромади яхши.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсадида “Қамаши тажрибаси”дан унумли фойдаланаямиз. Бунда эҳтиёжманд оиланинг шароитини оиланга олиб, даромад топиш бўйича керакли чоралар кўриляпти. Айтайлик, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган хонадоннинг меҳнатга лаёқатли вакиллари соғлом бўлса, муносиб жойдан иш топишга кўмаклашамиз. Лекин ишлаб туриб, маоши камлик қилаётган бўлса, кўшимча даромад топиш йўллари кидириб кўрамиз. Масалан, уйининг олдида кўча дўкон ташкил этишга кўмаклашимиз мумкин. Учинчи вазиятда эса ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хонадонига кўёш панеллари ўрнатиш орқали бироз бўлса-да, пул топишга имконият яратиб берамиз. Шу тажриба асосида йил бошидан буён 10 та оиланинг фаровонлигини таъминлашга эришдик. Қолган 16 та хонадон вакиллари билан ҳам индивидуал режа асосида ишлар олиб борилмоқда. Умид қиламизки, йил якунига қадар маҳалламизни камбағалликдан холи худудга айлантираемиз.



Бугун туманимизда шириндан шакар мевалар, полиз ва озиқ-овқат маҳсулотлари олис овулларда ҳам фарқ пишган. Бободехқонлар тилими тили ёрар қовун ва тарвузлар экиб, бепоеъ саҳрони ўзлаштириб, серунум ерга айлантирмоқда.

Самандар РИСБЕКОВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Конимех тумани бўлими
бошлиғи.

Маълумот учун,
жорий йилнинг
биринчи ярим
йиллигида туманда
13 минг 127 нафар
аҳоли бандлиги
таъминланди.



К арийб 30 йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган миришкор саҳро бағридаги уч гектарли кенг пайкалда қовун-тарвуз етиштириб, аҳолининг дастурхонига етказиб бермоқда.

Турсункул Абдураззоқов Янгиқозгон овулидан ўн чақиримча жанубда Шодмон кудуғи атрофида яшайди. Кудуқ анча эски бўлиб, ўтган аср охирида кўмилиб кетган экан. Ёнидаги янгисидан Янгиқозгонга сув тортилган. Турсункул ака шу кудуқнинг сув техникни — насосни жадвал асосида қўшиб-ўчириб, электр тармоғининг созлигини назорат қилиб туради. Ойлик маоши ҳам шунга яраша.

Турсункул акага бу юмуш аслида ота касб, ҳарбий хизматдан қайтиши билан ишга киришиб кетган.

— Билак кучга тўлган даврлар эди, зериккандан кўмилиб кетган эски кудуқни тозалаб, сув чиқардим. — дейди Турсункул Абдураззоқов. — Тегирмон юргизмайди-ку, лекин ажабтоовур чучук сув. Таваккал қилиб, кейинги йил қовун эдим. Рўзгорга етарли ҳосил олдим. Кейинчалик ёнига тарвуз, қовоқ қўшдим, янги ерларни ўзлаштирдим. Шу тахлит йилгирма етти йилдан бери мой туپроқда жайдари деҳқончилик қиламан.

Конимехлик миришкор экинларга умуман ўғит ишлатма-

ни боғ-бўстонга айлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Чўлпон, Жамбул ва Абай кўчаларида сувлаштириш ва сўғориш тармоқларини куз-киш мавсумига тайёрлаш доирасида латок ўрнатиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Қуриляётган латоклар орқали ёмғир ва оқова сувларнинг тўғри йўналтирилиши, сўғориш тизимларининг оптималлаштирилиши кўзда тутилган. Бу эса худуддаги инфратузилма сифати ва аҳолининг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Анча йиллардан буён “Бирлик” маҳалласи Тинчлик кўчасидаги қишда лой, ёзда чанг йўлларда аҳоли ҳаракатлинида қийналар, бу муаммо эса уларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатар эди. Туманимизнинг 100 йиллиги ва Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги арафасида аҳоли учун байрам совғаси сифатида ушбу кўчаларда махсус техникалар ёрдамида таъмирлаш ва шағаллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда туманимиз нафақат чорвачилик, ишлаб чиқариш ва саноат, шу билан бир қаторда туризм соҳасида ҳам истиқболли худудга айланиб бормоқда. Айниқса, табиий иссиқ сув манбаларига эга Қарақата овули хорижий ва маҳаллий сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Бу ерда хизматлар сифатини ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш орқали туманининг туристик жозибадорлигини кучайтириш бўйича бир қатор аниқ чора-тadbирлар белгиланган бўлиб, ҳаракатлар бошлаб юборилган.

БИР НАЗАР

БИР ДАСТУРХОН АТРОФИДАГИ СУХБАТ ҲАМ АНЪАНА, ҲАМ ТАРБИЯДИР

Халқни бир дастурхон атрофида йиғишни яхши кўраман. Бу катта залда соатлаб маъруза ўқигандан кўра, анча самарали усул, назаримда. Барча ёш тоифасидаги аҳоли вакиллари олдида қўйилган ноз-неъматларни тановул қилиш асносида ширин суҳбат қуришади.

Рўзигул МУРОДОВА,
Конимех туманидаги
“Бирлик” маҳалласи раиси.

К ексалар узоқ йиллик кечмишлари, ҳаётий тажрибаларини сўзлаб беради. Бундан ёшлар ўзи учун керакли хулосаларни чиқариб олишади. Қўни-қўшнларнинг ўзаро муносабатлари янада мустаҳкамланади. Келишмовчилик сабаб аразлашиб юрганларнинг кўзи кўзига тушиб, гиналарни унутади.

Шу мақсадда ҳар йили баҳор фасли келиши билан қозон-қозон сумалак пиширамиз. Ош дамлаб, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фуқароларга улашамиз. Худудимизда истиқомат қилаётган қозоқ, қирғиз, тожик, рус каби ўн уч миллат вакиллари ҳам шундай тadbирларда ўз миллийлигини намоиш этишига имконият яратиб берамиз. Бу миллатлараро тотувлиқни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.



Хонадонларга кириб, аҳоли билан дилдан суҳбатлашиб жараёнида нурунийлар доимий ҳамроҳимиз. Сабаби, одамларимизнинг кексаларга ҳурмати баланд. Уларнинг панд-насихатларини дарров қулоғига олади. Баъзан ажралиш ёқасидаги эр-хотинларни яраштириш учун улар сўзлаб берган биргина ҳикоянинг ўзи етарли бўлади. Қолаверса, ёш йигит-қизларга ота-онага ҳурмат кўрсатиш, фарзандлик бурчини тўлиқ адо этишининг ҳикмати ҳақида гапирганимизда, кўпчилиги чуқур ўйга толади. Тарбиядаги шу каби усулларни ўридли қўллаётганимиз боис бугун маҳалламиз жиноятчилик ва оилавий ажрашиллардан холи худудга айланган.

Яқинда худудимизга “Дўстлик” маҳалласи ҳам қўшиб берилди. Ёнди у ерда ҳам ишни шу зайлда йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган ҳамда эҳтиёжманд оила вакиллари алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Улар ҳам ҳамма қатори бахтли бўлишга, ҳаёт неъматларидан баҳра олиб яшашга ҳақли.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллам — ме-нинг оилам, мақсадим уни бахтли қилиш. Бу йўлда қўлимдан келганча ҳаракат қилишдан сира чарчамайман.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” — муҳим тажриба мактаби

Мутолаа жону дилим. Илмий ҳамда фалсафий асарларни қизиқиб ўқийман. Улар инсонга тўғри қарор қабул қилиш, ўзи ва атрофдагиларни англашни ўргатади. Қолаверса, дунёқарашимиз кенгайиб, янада теран фикрлашни бошлаймиз.

Бердақ БАХРОМОВ,
Конимех туманидаги
“Тўққизтепа” маҳалласи раиси.

Лекин касбимизда муваффақиятга эришиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Айниқса, маҳалла тизимида ишлайдиганлар қанча кўп изланса, билим ва малакасини оширса, шунча кам. Янги чиқаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини теран англаб етиш, уни халққа тўғри тушунтириб бериш учун ти-



зим нашрларига эҳтиёжимиз катта. Шу маънода “Mahalla” газетаси доимий ҳамроҳимга айланган. Бирор савол туғиладиган бўлса, дарров уни varaқлайман. Нашрда мунтазам равишда бериб борилаётган қизиқарли мақолалар, “еттилик” вакилларининг тажрибалари, туман бўлими бошлиқларининг худудда амалга ошираётган ишлари маҳалла ходимларига муҳим тажриба мактаби бўляпти. Биз аънанани давом эттирган ҳолда, кейинги йил ҳам “Mahalla” газетасига обуна бўламиз.



Йил охиригача боғчаларда “ЭКОБЕКАТЛАР” ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ, “Eco-Schools” лойиҳаси эса яна 500 та мактабни қамраб олади.



Ўзбекистонда ЧИКИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҳудудлар бўйича ихтисослаштирилади.



Ижтимоий муассасалар ва МАҲАЛЛАЛАРНИ ЧИКИНДИ КОНТЕЙНЕРЛАРИ БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШ бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқилади.

Mahalla

№67 | 2025 ЙИЛ 20 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

7

БУХОРО
ВИЛОЯТИ
БУХОРО
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Истиқболли лойиҳалар ижтимоий фаолликни оширади

ТАЖРИБА

ТОК ТЎҒРИ ПАРВАРИШЛАНСА, ЭЛЛИК ЙИЛ ҲОСИЛ БЕРАДИ

Бухорода узумчиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган масканлардан бири “Саховат” маҳалласидир. Унинг тарихи ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига бориб тақалади. 1933 йилда бу ҳудудда иқлим шароитига мос сархил узум навларидан тоқзорлар барпо қилинган.

Эркин ҚИЛИЧОВ,
Бухоро туманидаги
“Саховат” маҳалласи раиси.

Маҳалламиз бугун ўзининг узумчилик анъаналарига эга масканлардан бирига айланган. Бу ерда деярли ҳар бир хонадоннинг ҳаёти узумзор билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли вакиллари эрта баҳордан кеч кузгача узум боғларида ишлайди — ток очиш, уни парваришлаш, суғориш, ўғитлаш, хомток қилиш, ҳосилни йиғиш, саралаш, майиз учун қуритиш, кузда эса тоқларни қирқиб, қишга тайёрлаш каби ишларда тиним билишмайди.

Айни пайтда маҳалламиз нафақат туман, балки вилоятимиз бўйлаб ҳам узумчилик мактаби сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Бугунга келиб маҳалла аҳолиси 402 гектар майдонни ташкил этадиган тоқзорда турли хилдаги узум навларини етиштириб келмоқда.



— Узумчилик бизга ота касб, шу билан бирга сердармад соҳа, — дейди маҳаллий боғбонларимиздан бири Искандар Отамуродов. — Тоқлар агротехник талабга биноан тўғри парвариш қилинса, ҳосилдорлик йилдан-йилга ошади. Кўп йиллик тоқларни “ёшартириб”, қари занглар ўрнига ўсиб чиқадиған ёш ниҳоллардан яна 50 йилгача ҳосил олиш мумкинлиги амалда исботланмоқда. Муҳими, парвариш вақтида қилинса, тоқлардан тўғри, самарали фойдаланиш, касалликлардан асраш мумкин. Қолаверса, шу кунларда ғарқ пишган қора кишмиш узумларни саралаб териб, алоҳида усулда қуришиб, майиз тайёрлаш жараёни ҳам бошланган.

Искандар Отамуродов узум етиштиришнинг “Фарғона усули”ни амалда қўлаб, яхши натижаларга эришиб келяпти. Бу тажрибага кўра, тоқлар бетон устунда эмас, балки 2,5–3 метр баландидаги ишқомларда ўстирилади. Бу ишлов бериш, узумни йиғиб олиш учун анча қулай. Қолаверса, ҳосилдорлик гектарига 10–15 тоннага ортаётгани кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўляпти. Янги усулни боғбондан ўрганиб, синаб кўраётганлар ҳам анчагина.

Айни кунда узумчилик билан шуғулланаётган ҳар бир оилавий боғбон ёки фермер хўжаликлари учун масъулиятли палла бошланган. Узум ғарқ пишиб етилган шу кунларда бутун маҳалла аҳли ҳалол меҳнати билан етиштирган ҳосилни йиғиб, саранжомлаш, аҳоли дастурхонига етказиш, шу билан бирга, саноат услубида виночилик корхоналарига топшириш ҳаракатида.

Узумнинг “Қора кишмиш”, “Хусайни” ва “Тоифи” каби навлари хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Ҳадемай, ҳудуддаги вино ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон–Қозғоғистон қўшма корхонасига ҳосил топшириш ишлари бошланган.

Кишин-ёзин маҳалламизда ҳаёт жүшқин. Аҳоли вакиллари билан баробар “еттилик” ҳодимлари ҳам тиним билмай меҳнат қилаямиз. Айни вақтда боғча, оилавий поликлиника биносини янгилаш, аҳолини тўлиқ ичимлик сув билан таъминлаш, кўчаларни асфальтлаштириш ҳамда тунги чироқлар ўрнатиш каби тўққизта лойиҳа устида иш олиб бориляпти. Бунинг учун Ислон тараққиёт банки томонидан 17 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Бундан бир неча ой аввал давлатимиз раҳбари томонидан ҳудудларнинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижий ҳамкорлар билан инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда кам қувватда ишлаётган, турли сабабга биноан фаолиятини тўхтатган корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир муҳим топшириқлар берилганди.

Шукурбек ТОШЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Бухоро тумани бўлими бошлиғи.

Бухоро тумани “Қавола Маҳмуд” маҳалласидаги “Rostextstroy” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон–Россия қўшма корхонаси фаолияти ҳам турли сабабларга кўра тўхтаб қолганди. Кейинги ойларда вилоят ва туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан корхона ишини қайта тиклаш чоралари кўрилди. Мавжуд муаммолар, тижорат банкидан олинган кредит маблағининг муддати ва шартларини узайтириш каби масалалар ижобий ечим топгани айни муддао бўлди.

Корхонада кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари Европа технологиялари асосида ишлаб чиқарилиб, сифат жиҳатдан ички бозор талабларига тўла жавоб бергани боис буюртмачилари кун сайин ортиб борапти. Шу билан бирга, момик пахтадан тикилаётган кийим-кечаклар нафақат ички бозор, балки, қўшни мамлакатлар, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон бозорларига чиқарилаётгани моддий манфаатдорликни таъминламоқда.

Туманда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг шароитини яхшилаш мақсадида яна кўлаб ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, яқинда олис ҳудудлардан бири бўлган “Талалиён” маҳалласида замонавий мактабгача таълим ташкилоти қурилиши бошланди.

Лойиҳа қиймати 3 миллиард 600 миллион сўм бўлиб, у 120 нафар болани қамраб олиш имконига эга. Янги боғча нафақат таълим маскани, балки қишлоқ ҳаётига янги руҳ бағишлайдиган ижтимоий марказ бўлиб хизмат қилади. Бу ерда кичиктойлар замонавий шароитларда билим олади, соғлом ва қулай муҳитда тарбияланади.



Янги лойиҳалар ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва туман саноат салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундай ижтимоий йўналишдаги қурилишлар аҳолининг мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжини қондириб, ёш авлодни сифатли ва замонавий таълим-тарбия билан қамраб олиш имконини кенгайтиради.

Бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кенгайтиришга, оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган миллий тажриба — Ўзбекистон модели изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, “Шехонча” маҳалласи хотин-қизлар фаоли ҳам ушбу илохотлар самарасини ҳаётга татбиқ этиб, аёлларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш йўли-

да амалий ишларни олиб бормоқда.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, субсидия ажратиш, имтиёзли кредитлар бериш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ташаббуслар ўз самарасини берапти. Масалан, Шодиева Марҳабо турли хил салат, тузлама ва мурабболар тайёрлаш, Нурмуродова Нилуфар папир пишириш, Мухоминова Мадина тикувчилик, Бозорова Умида куёнчилик билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда улар нафақат ўз касбининг моҳир усталари, балки бир неча хотин-қизнинг бандлигини таъминлаб, ҳудуддаги аёллар учун намуна бўлиб келмоқда.

ЖАРАЁН

Бири бирига намуна, бири бирига кўмакчи

Бугун қишлоқда яшовчи томорқа эгалари учун экин ери нафақат оила дастурхонига мўл-қўл ризқ омили, балки барқарор, қўшимча даромад манбаи ҳамдир. Нега деганда, йил давомида бир неча маротаба экин экиб, мўл ҳосил олиб, рўзғор эҳтиёжини қондириш ер билан “тиллашадиган” меҳнаткаш миришкорларнинг азалий удуми, одатий анъанасига айланган.



Шерзод ХОЛИҚОВ,
Бухоро туманидаги
“Янгиобод” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда яшовчи Лола Рустамова ҳам ана шундай миришкор аёллардан бири. Оғир турмуш, ишсизлик ва даромади йўқлигидан бир неча йил аввал ижтимоий муҳофазага олинди, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган, уч норасида фарзанднинг меҳрибон онаси бўлган Лола Рустамова ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида имтиёзли кредит маблағи билан томорқасида иссиқхона ташкил этган эди. Айнан

экин ери бугун бир оиланинг даромад манбаига айланиб, етиштирилаётган सबзаёт маҳсулотлари рўзғор эҳтиёжларига сарфланмоқда. — Эҳтиёжманд оила бўлганимиз учун имтиёзли тартибда ажратилган 30 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи асосида иссиқхонага эга бўлганимиз бизни оғир турмушдан ҳалос этди, — дейди Лола Рустамова. — Дастлаб ишни йўлга қўйиш, ер тайёрлаш, ҳосилга етишиш қийин бўлди, аммо йилдан-йилга тажрибамиз ошиб, даромадимиз ҳам кўпайди. Ҳозирда йилга уч маротаба ҳосил олишнинг уйдасидан чиқаямиз. Топган даромадимизни фарзандларимиз эҳтиёжга ва таълим-тарбиясига сарфлаямиз.

Лола Рустамованинг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги — томорқадан унумли фойдаланишнинг ёрқин намунаси. Унинг ғайрати ва тажрибаси ҳовлисини қаровсиз ташлаб қўйган баъзи бокибега кимсаларга ибратдир.

Асли маҳалламиз “драйвери” — чорвачилик ва деҳқончилик. Аҳоли сони 5 050 нафарни ташкил этади. Улар 3–4 сотихдан иборат томорқа ерларида турли хилдаги полиз экинларидаан уч-тўрт мартадан ҳосил олиб келяпти.

Бундан ташқари, туман миқёсида асарличиликни ривожлантириш бўйича янги лойиҳани амалга оширишга киришганмиз. Жараёнда бизга Назира Рўзиева катта ёрдам берапти. Тадбиркор айни вақтда 280 қути асалари парвариши билан банд. Шу билан бирга, кам таъминланган оила вакиллари ҳам мазкур соҳага жалб этишда ташаббус кўрсатаяпти. 24 та эҳтиёжманд оила вакиллари шаҳсан ўзи шоғирдикка олиб, ишининг барча сир-асрорларини ўргатаяпти. Улар олган билимини уй шароитида қўллаб, фаровонликка эришяпти. Урта ҳисобда бир қути асалдан ўн килограммгача асал олиб, яхшигина пуллаяпти.

Ижобий натижага эришаётганлар атрофдагиларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Кун сайин асаларичилик билан шуғулланиш истагидигилар сони ортиб борапти. Энди бошқа маҳаллаларга ҳам мазкур тажрибани кенг тарғиб қилишни мақсад қилганмиз.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Маҳаллада ишлашни “Mahalla”дан ўргандим”



Инобат РИЗАЕВА,
Бухоро туманидаги Ойбек
номидаги маҳалла раиси.

“Mahalla” газетаси ҳамда “Mahalla ko zgusi” журналининг мутлоаа қилиш — сеvimли машғулотим. Вақтим бўлди, дегунча уларни варақлашга ошиқаман. Сабаби, маҳалла тизимида иш бошлаган илк вақтларимда у мен учун муҳим қўлланма вазифасини ўтади. Саҳифаларда берилаётган турфа тақдир эгалари, “еттилик” кўмак кўрсатаётган инсонлар кечимиши касб ва ҳаёт йўлида мактаб бўляпти.

Айниқса, ажрашмиш ёқасидаги оилаларни муросага келтириш борасида мутахассислар бераётган фойдали маслаҳатлар сабаб қанчадан-қанча ёшларнинг бахтли турмушини таъминлашга эришдик. Қолаверса, ҳамкасбларимнинг бир-бирига ўхшамайдиган фикр-мулоҳазалари, тизим бўйича билдираётган тақлифлари айни кўнглимиздаги гаплар. Шу боис нашрга ҳар йили биринчилар қаторида обуна бўлман.



ЭЛДОР ШОМУРОДОВ Туркия Суперлига-сидаги илк ўйинини “Истанбул Башак-шехир” – “Кайсериспор” ўртасидаги баҳсда ўтказди.



Самарқанд шаҳридаги “Silk Roud Samarkand” туризм марказида ҳарбийлар ўртасида **ТРИАТЛОН БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ** бўлиб ўтапти.

НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ АҚШнинг Сент-Луис шаҳрида шахмат бўйича “Sinquefield Cup-2025” халқаро турнирида қатнашяпти.



8

№67 | 2025 йил 20 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Mahalla

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

КУЗ ГЎЗАЛ, АММО ИНСОН ТАНАСИ УЧУН СИНОВЛИ ФАСЛ

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

БАДАНТАРБИЯ



Ёзнинг охири яқин. Табиатда секин-аста ўзгаришлар бошланмоқда — япроқлар сарғаяди, тонглар салқинлашади, ёзги жазирамалардан сўнг ҳаво ниҳоятда ёқимли туюлади. Аммо бу тинч ва осойишта об-ҳаво ортисида, аслида, тана учун синовли дамлар бошланиши турибди. Чунки куз — совуқ мавсумга ўтиш, яъни иммунитет учун ҳақиқий синов даври ҳисобланади.

Гулчеҳра ҲАСАНОВА,
шифокор-нутрициолог.

Кўпчилик куз келиши билан шамоллаш, йўтал, томоқ оғриғи, ҳатто грипга дуч келади. Бунинг асосий сабаби — ёз фаслида эркинлашган, дам олган ва баъзан нотўғри овқатланишга ўрганган тана совуққа қарши курашишга тайёр бўлмай қолади. Шу боис ёз фаслининг охиридаёқ ўзимизни куз ва қишдаги совуқ кунларга тайёрлашни бошлашимиз керак.

Иммунитетни мустаҳкам-

лашда **соғлом овқатланиш** биринчи ўринда туради. Айниқса, танамизга зарур бўлган витаминлар ва минераллар етарли миқдорда берилиши керак. Улар орасида энг муҳимлари — С витамини, Д витамини ва рух (цинк) саналади.

С витамини ёки аскорбин кислота — шамоллашга қарши энг кучли воситалардан бири. Бу витамин танамизни вирус ва бактериялардан ҳимоя қилади, яллиғланишларни камайтиради. С витаминига бой маҳсулотларга қалампир, петрушка, лимон, киви, қора смородина, қарам ва брокколи қиради. Ёзда бу неъматлар мўл бўлади, демак, танани кузга

тайёрлаш учун уларни кўпроқ истеъмол қилиш аини муддао.

Д витамини кўпроқ кўёш нури орқали ҳосил бўлади. Бироқ кузда ва, айниқса, қишда кўёш камроқ чиққани учун бу витаминнинг етишмовчилиги кўп учрайди. Бу эса нафақат иммунитетга, балки кайфиятга ҳам таъсир қилади. Шу боис тухум, ёғли балик (масалан, лосос, сардина), сариёғ, жигар ва қўзиқоринларни мунтазам истеъмол қилиш орқали Д витаминини озиқ-овқатдан олиш мумкин. Зарурат бўлса, шифокор тавсияси билан витамин комплексларини ҳам қабул қилиш мумкин.

Рух (цинк) эса тананинг

“ҳимоя аскарлари” дейиш мумкин. Бу минерал яра ботишини тезлаштиради, яллиғланишларга қарши курашади ва иммун ҳужайралар фаолиятини яхшилайди. Рухга бой маҳсулотларга қовоқ уруғи, ёнғоқ, ловия, нўхат, қизил гўшт ва жигар қиради. Ҳафтада бир неча марта шу маҳсулотлардан истеъмол қилиш орқали танани табиий равишда кучайтириш мумкин.

Шунингдек, кузги бозорларда кўп учрайдиган маҳаллий неъматлар — **анор, хурмо, олма, қовоқ, лавлаги** ҳам жуда фойдали. Масалан, анор қон босимини меъёрга ушлаб туради, хурмо юрак ва кўз саломатлиги учун фойдали, қовоқ эса бета-каротин ва толаларга бой. Ушбу мева-сабзавотлар танани совуқ мавсумга тайёрлашда энг оддий, арзон ва энг фойдали ёрдамчилардир.

Асал, лимон, занжабил, қора зира ёғи каби табиий воситаларни ҳам унутмаслик керак. Улар нафақат иммунитетни оширади, балки танани илқлаштириб, ички энергияни тиклашга ёрдам беради. Ҳар кун эрталаб илиқ сувга лимон ва асал аралаштириб ичиш — кўплаб касалликларнинг олдини олувчи оддий, аммо кучли усуллардан биридир.

Хулоса шуки, куз — гўзал, аммо синовли фасл. Бу даврни соғлом ва тетик ўтказиш учун танани ҳозирдан тайёрлаш керак. Витамин ва минералларга бой, табиий маҳсулотларга асосланган овқатланиш орқали иммунитетни кучайтириш мумкин. Асосийси — мунтазамлик ва эътибор. Ҳар кун танамизга фойдали нима бердик, деган саволни ўзимизга бериб турсак, саломатлигимизга бефарқ бўлмаймиз.

Оёқ учида туриш — фойдаси бекиёс, оддий ва табиий манқадир



Масалан, оёқ учида туриш — ҳам қўлай, ҳам табиий, энг асосийси, жуда фойдали одатлардан биридир. Кўринишидан арзимасдек туюлган бу машқ орқасида бутун танани соғломлаштирувчи таъсирлар янширинган.

Оёқ учида турганингизда танангиз мувозанатни сақлашга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат пайтида оёқ, сон, бел ва қорин мушаклари биргаликда ишлайди, асаб тизими фаол ҳолатга келади, миёга доимий сигнал узатилади. Натижада сиз фақатгина жисмоний эмас, балки руҳий томондан ҳам ўзгарасиз: ҳушёрлик, тетиклик, эътибор ва мувозанат кучаяди. Шифокорларнинг айтишича, бу машқ юрак-қон томир тизимини фаоллаштиради, қон айланишини яхшилайди, айниқса, оёқ-қўлларда тўпланиб қолган қоннинг юракка қайтишини енгилаштиради. Бу эса варикоз — оёқ томирларининг кенгайишига қарши кучли профилактик ҳаракат ҳисобланади.

Ортопедлар оёқ учиде туришни болаларда яссиоёқликнинг олдини олиш ва тузатишда тавсия қилишади. Бу машқ орқали оёқ панжаси шакли мустаҳкамланади, мушаклар кучаяди, ҳаракатлар мувозанатли бўлади. Катталарда бу одат суяк ва бўғимларнинг мослашувчанлигини сақлайди, айниқса, кекс айғанда йиқилиш ва мувозанат йўқотиш хавфини камайтиради. Қолаверса, бу ҳолатда туриш елка ва белдаги зўриқилишни камайтиради, тик қомат сақланади, танадаги чарчоқ тарқалади.

Машқнинг ўзи эса жуда оддий: тик туринг, қўлларингиз ёнингизда бўлсин ёки девордан енгилгина суянган ҳолда, секин-аста оёқ учи билан туринг. Дастлаб 15-20 сониядан бошланг, кейинчалик бу вақтни аста-секин 1-2 дақиқагача узайтириш мумкин. Муҳими, ҳар кун бир неча маротаба мунтазам бажариш. Ишдаги танавуфусда, нонустай тайёр бўлишни кутиб турганда ёки ҳатто телевизор қаршида ҳам бажарса бўлади.

Албатта, ҳар қандай машқ каби, бунда ҳам эҳтиёт бўлиш керак бўлган ҳолатлар бор: оёқ ёки тиззада оғриқ бўлса, бош айланиши кузатилса, юрак фаолиятида носозликлар мавжуд бўлса, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.


Хулоса қилиб айтганда, оёқ учиде туриш — бу арзимасдек туюлган, аммо танамиз учун бекиёс фойда келтирадиган оддий ва табиий машқдир. У нафақат жисмоний соғлигингизни, балки руҳий барқарорлигингизни ҳам мустаҳкамлайди.

Шунчаки кунига бир дақиқа ва сиз ўзингиздаги фарқни сезасиз. Соғлиқ катта бойлик бўлса, уни асраш ҳам оддий одатларни шакллантиришдан бошланади. Оёқ учиде туринг — соғлигингиз ўз ўрнига тушин.

Шавкат СОДИҚОВ,
1-тоифали спорт шифокори.

БИЛИБ ОЛИНГ!

Бу маҳсулотларни доимий равишда таомномага қўшсангиз, жигар “соатдек” ишлайди.



Лавлаги — жигардаги суюқликни юмшатиб, унинг чиқишини енгилаштиради.

Лимонли илиқ сув — эрталабданок жигарни “ишга тушуради”.

Авокадо — оғирлик қилмайдиган, фойдали ёғ манбаи.

Жўхори ёғи — жигар учун энг яхши ёғлардан бири.

Сабзавот ва кўкатлар — тола моддаси жигарнинг тозаллигини таъминлайди.

Саримсоқ ва зарчава (куркума) — табиий равишда жигардан суюқлик чиқишини кучайтиради.

ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

Дилшод ХАЛИЛОВ.

Нишон тумани:

— **Кўёш панелидан давлатга энергия сотиб, фойда олишни ушрга ўхшатиш жойи борми? Олинган даромаддан ўндан бирини садақа қилиш лозим бўладими?**

Кўёш панели орқали даромад кўрса, садақа берадими?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Йўқ, бу ушрга ўхшайди. Чунки ушр — ердан ўсадиган ўсимликларнинг закотиридир. Электр энергия эса ердан ўсиб чиққан ўсимлик эмас. Бирор киши кўёш панелларидан давлатга электр энергияси сотиб бойиб кетса ёки ўша маблағи бошқа бойликлари билан қўшиб ҳисоблаганида, закот нисобига етса, закот беради. Яъни тижорат молларидан бериладиган жами молнинг қирқдан бири (1/40)ни камбағалларга закот сифатида бериши фарз бўлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 490 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820

